



20 декабрь 2001 г.

г. Ташкент

№ *89*

В целях организации работ по оздоровлению экологической обстановки на территории бывшего рудника № 23 в Папском районе Наманганской области в соответствии с распоряжениями Кабинета Министров от 21.07.1998г. № 397-Ф и от 29.12.2000г. № 707-ф, и дальнейшего выполнения работ по строительству объектов природоохранного назначения в системе Государственного комитета по охране природы Республики Узбекистан

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Образовать с 20 декабря 2001 года Управление капитального строительства Государственного Комитета Республики Узбекистан по охране природы (УКС Госкомприроды).
2. Утвердить «Устав Управления капитального строительства Государственного Комитета Республики Узбекистан по охране природы».
3. Возложить на УКС Госкомприроды функции заказчика проектно-планировочных работ и строительства объектов природоохранного назначения в установленном законодательством порядке.
4. Разместить УКС Госкомприроды по адресу: г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 7.
5. Управлению делами (Мансурходжаев Х.) в установленном порядке:
 - выделить помещение и мебель (5 письменных столов, 10 стульев, 5 шкафов, гарнитур руководителя, вешалки, 2 телефонных столика);
 - передать один комплект компьютера;
 - установить один городской телефон;
 - передать на баланс автомобиль «Тико»;
 - выделить 1 металлический сейф и 1 печатную машинку;
 - другой инвентарь в соответствии с согласованными заявками с Госкомприродой Республики Узбекистан.
5. Центральной бухгалтерии (Тхай Э.Г.) в пределах сметы расходов Госкомприроды на 2001 год и за счет внутренних средств Комитета:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур

туман ҳокимининг 2002 йил

«*92*» *сентябрь* - сонли
қарори билан рўйхатга олинган

№ 94

Алиев

Ўзбекистон Республикаси Табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси-

нинг 20.12.2001й. 84-сон буйруғи

билан тасдиқланган



Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси Капитал қурилиш бошқармасининг

Н И З О М И

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Капитал қурилиш бошқармаси (кейинчалик матнда КҚБ) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2001 йил 20 декабрь 84-сон буйруғи асосида ташкил этилди.

1.2. КҚБ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруқ, қарор ва топшириқларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.3. КҚБ юридик шахс бўлиб, юридик шахслар учун Ўзбекистон Республикаси қонунийлиги билан белгиланган барча ҳуқуқларга эга.

1.4. КҚБ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг таркибий бўлинмасидир.

1.5. КҚБ ўз номи туширилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган думалоқ тамғаси ва штампига эга.

1.6. КҚБ Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган.

1.7. КҚБ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, офис хоналарини ижарага атроф-муҳит муҳофазаси учун мўлжаллаб қуриладиган объектлар қиймати ҳисобига олиши мумкин.

II. Асосий мақсадлари

КҚБ фаолиятининг асосий мақсад ва йўналишлари қуйидагилар:

2.1. Республика инвестиция дастурида кўзда тутилган, инвестиция жараёнининг барча иштирокчилари билан биргаликда башорат кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда қурилиши тугалланган табиат муҳофазаси объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш; меъморчилик ва шаҳар қурилиши томонидан қўйиладиган талабларга амал қилиш.

2.2. Лойихавий-техник қарорларни самарадорлигини ошириш ҳамда табиат муҳофазаси қурилиши бошқаруви тузилмасини, капитал қурилиши соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш, жаъбонли ва тайёрлаш.

2.3. Капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, объектлар қурилиш муддатини қисқартириш, инвестиция жараёнлари бошқаруви самарадорлигини, пул ишлари бозорини шакллантириш, янги техника ва қурилиш-монтаж ишлари ва технологияларини қўллаш, янги қурилиш материаллари масалалари бўйича жамъият тажрибасини ўрганиш ва улар асосида таклифларни тайёрлаш.

2.4. Капитал қўйилмалари молиялаштирилишига ажратиладиган маблағларига ҳамда капитал қурилиши балансида ҳисобга олинмаган молиявий бойликларга эгаллик қилиш.

2.5. Комплекс қурилиш бош лойиҳалари ва табиат муҳофазаси объектлар қурилишини ривожлантирилиши, истиқболда қурилишни жойлаштириш лойиҳалари ҳамда қурилиши керак бўлган табиат муҳофазаси объектларининг батафсил референт лойиҳаларини амалга ошириш.

2.6. Табиат муҳофазаси объектлари ҳамда улар таркибига кирувчи широк қурилиши комплекслари, муҳандислик инфратузилмалари тармоқларининг қўллаш қурилишини амалга ошириш.

2.7. Лойиҳавий-техник қарорлар ва қурилиш қийматлари ҳисоб-китоб бўйича ҳулосаларни тайёрлаш, янги қурилиш материаллари ва технологияларини, табиат муҳофазаси қурилишида қурилишни ташкил қилишнинг илғор усулларини жамъият қилиш, қурилиш қийматини шаклланиши бўйича маълумотлар банкни яратиш.

III. Вазифалари

ҚҚБ мазкур Низомнинг II-бўлимида келтирилган масалаларга мувофиқ, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

3.1. Табиат муҳофазасининг башорат кўрсаткичларини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда улар асосида, қонунчилик билан белгиланган тартибда, объектлар қурилиши бўйича адрес рўйхатлари ва ички қурилиш титул рўйхатларини тузишда иштирок этади.

3.2. Илмий-текшириш, тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда объектлар қурилиши учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга топшириқларни тайёрлайди ва уларни республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тасдиқлаш учун киритади. Тегишли асосланиш бор бўлганида ҳамда заруриятга кўра объектларни қурилиши учун танланадиган участкалар жойларини табиий-иқлим экологик, иқтисодий, стратегик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асослануви бўйича дастлабки илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилишини таъминлайди.

3.3. Илмий-текшириш, тадқиқот ва лойиҳа ишлари, ишчи ҳужжатларни ҳисоб-китоб сметаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш уларни кўриб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланиши, асосли зарурият бўлганда қўмита тасдиқланишини ҳам, шунингдек, тасдиқланадиган ҳужжатларга белгиланган тартибда табиат муҳофазаси қурилиши соҳасида ваколатга эга бўлган пудрат, эксперт ва бошқа ташкилотларнинг мулоҳаза ва ҳулосаларига кўра қўшимча, тузатма ва ўзгартириш киритилишини амалга оширади.

3.4. Пулат ташкилотлари билан, кўпроқ танлов асосида шартномалар тузиш тасдиқланган адрес рўйхатларига мувофиқ қурилишни узлуксиз молияланишини кредитланишини таъминлайди, бюджет ва кредит сиёсати, қурилишни молия

капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш ташкилотларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш масалалари бўйича қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий расмий ҳужжатларга амал қилинишини таъминлайди.

3.5. Бош пудратчи ташкилот билан биргаликда ихтисослаштирилган, шеф монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажаришга (объектларни «калити билан» қуриш ҳоллари бундан мустасно), технологик, ихтисослаштирилган ҳамда хизмат кўрсатувчи ускуналарни синовдан ўтказиш, шунингдек технологик ишлаб чиқариш жараёнларидаги созлаш ишларини бажарилиши юзасидан шартномаларни расмийлаштиради.

3.6. Бош пудратчига объектларни қуриш, таъмирлаш, техник қайта қуролаш, объектларни капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларини, комплекслар ва табиат муҳофазасига мўлжалланган бошқа объектлар қурилиши лойиҳаларини ҳамда базис нархларидаги бошқа лойиҳа ҳужжатларини (объектларни «калити билан» қуриш ҳоллари бундан мустасно) тақдим этади.

3.7. Келишилган шартномавий қиймат доирасида ҳамда молиялаш жадвалига мувофиқ, илмий-текшириш, тадқиқот, лойиҳа, қурилиш-монтаж, шеф монтаж, ишга тушириш-созлаш ва бошқа қурилиш ишларини узлуксиз молияланишини белгиланган тартибда, молияловчи банкларда очилишини таъминлайди.

3.8. Пудрат ишлари бозорини шакллантириш, янги техника, қурилиш-монтаж ишларининг илғор технологияларини, янги қурилиш материалларини қўллашни асослаш масалалари бўйича таклиф ва тавсияномаларни тайёрлашда иштирок этади.

3.9. Тузилган шартномаларга мувофиқ, пудрат ташкилотлари, тайёрловчи завод, илмий-текшириш, тадқиқот, лойиҳа ва бошқа ташкилот ва корхоналарнинг бажарган ишлари, келтирган товарлари ва кўрсатган хизматлари бўйича тўлов учун тақдим эгган асословчи ҳужжат ва материалларини кўриб чиқади.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан четлашиш ва бузилиш ҳоллари аниқланганда, қонунчилик билан белгиланган тартибда, ижрочига нисбатан талаб ва даъво кўзғатади.

Шартномалар ҳамда амалда бажарилган ишлар(товар, хизматлар) ҳажмлари бўйича тўловларни, шунингдек қурилиши тугалланган объектлар бўйича узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширади.

3.10. Объект қурилишини технологик, электротехник, энергетик ва бошқа ускуна, аппаратура ва асбоб-анжом, шунингдек «буюртмачи етказиб берадиган» материаллар билан таъминлайди. Омборлардаги ускуна, маҳсулот ва материалларни қабул қилиш, ҳисобини юритиш, сақланиши ҳамда уларни қурилиш майдонига ёки объект олди омборларига ўз вақтида етказиб бериш билан топширилишини амалга оширади.

3.11. Қурилиш учун майдон танланишида иштирок этади, қурилиш учун майдонларни белгиланган тартибда, бош пудратчи ташкилотига берилишини амалга оширади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган рўйхат ва ҳажмлар чегарасида қурилиш ҳудудини тайёрланишини таъминлайди, геодезик тақсимлов(бўлиш) асосини ташкил қилади, тегишли фойдаланиш органларининг:

- қурилишни ташкил қилиш лойиҳаларига мувофиқ электр энергияси, газ, сув, буғ ва иссиқлик энергияларидан фойдаланиш;

- қурилиш майдонида жойлашган электр узатиш, алоқа линиялари, темир йўли учун ажратилган минтақаларда, муҳандислик коммуникациялари ўтган жойларда ишларни олиб бориш;

- майдонларни дарахт, бута ва экинлардан тозалаш ёки дарахтларни қайта экишга рухсатномаларини расмийлаштиради.

3.12. Қурилиш бўйича, бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифатига, лойиҳа кийматнинг смета ҳисобига, капитал қурилиши соҳасида табиат муҳофаз қурилишининг хусусияти ва ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, қурилиш меъёр қоидалари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужатларга мослиги устидан техник назорат амалга оширади ҳамда муаллифлик назоратини ташкил қилади.

3.13. Тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, иморат ва иншоотлар асосларини деформацияларини геодезик ўлчовларини амалга оширади, геодезик назорат сўемкаларини бажаради ва улар асосида ижроия бош режасига ўзгартиришларни туширади.

3.14. Алоҳида объект, иморат ва иншоотларни пуратчи ташкилотдан қабул қилиш бўйича ишчи комиссиясини тайинлайди, ишчи комиссиясига юқлан вазифаларни бажарилиши ҳамда ишчи комиссияси томонидан аниқланган, пудрат ташкилотлар томонидан йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишини кузатиб боради.

3.15. Пудрат ташкилотидан қулиши тугалланган объект(объектлар)ни қабул қилинишини таъминлайди, Давлат қабул комиссияси ишида иштирок этади, қабул қилинган объектларни фойдаланувчи ташкилотлар балансига топширилишини таъминлайди, пудратчидан белгиланган тартибда қурилиши консервацияланган объектларни бажарилган ишларни сақланиши чораларини кўрган ҳолда қабул қилиш олади.

3.16. Табиат муҳофазаси қурилиши инвестиция дастурларини амалга оширилиши, қурилиш материалларига, алоҳида ва ихтисослашган ишларга нархларни қурилиш механизмларидан фойдаланиш ҳамда қурилиш юқларини ташишга, табиат қурилиш маҳсулотларига харажатларни ўзгариши мониторингини ташкил қилади.

3.17. Қурилишда сметавий меъёрлаш услубларини, шу жумладан қурилиш монтаж, ишга тушириш-созлаш, маҳсус ва бошқа қурилиш ишларини амалга ошириш мажбурий равишда риоя қилиниши зарур бўлган асосий қурилиш материаллар, конструкциялар, маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотлар сарфи меъёрларни такомиллаштиришда иштирок этади.

3.18. Шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш, қурилишда рақобат танловларини жорий қилиш, шартномавий мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш борасида масъулиятнинг турли шакл ва механизмларини қўллаш бўйича ишларни ташкил қилишда қатнашади.

3.19. Қурилишни индустриализациялаш, комплекс механизациялаш автоматлаштириш, қурилишда ишлар сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаскор қурилишда материал сарфи ва меҳнат ҳажмини, қурилиш материалларини лойиҳалаш ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш борасидаги ишларни ташкил қилиш кўмаклашади.

3.20. Инвестиция иштирокчилари ораларидаги келишмовчиликларни ўз вақти доирасида кўриб чиқади, улар бўйича қарорларни тайёрлаб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ёки тегили органларга киритади.

3.21. Соҳа фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажаради.

IV. Капитал қурилиш бошқармасининг ҳуқуқлари

4.1. Табиат муҳофазаси қурилиши хужжатларини ишлаб чиқишга кўпроқ танлов асосида илмий-тадқиқот, тадқиқот, технологик, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлардан бундай қилиш.

4.2. Белгиланган тартибда, статистика органларидан, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлардан ўз соҳа фаолияти бўйича маълумот олиш.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг таркибий бўлинма органларидан ўз фаолияти учун зарур бўлган маълумотни олиш.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, ўзининг тасарруф бўлинмалари ва бошқа ихтисослаштирилган участкаларини ташкил қилиш.

4.5. Мазкур Низом билан унга юкланган вазифаларни бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ўзига бириктирилган мулкка эгаллик қилиш.

4.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда, банкларда ҳисоб ва валюта рақамларини, шунингдек, мазкур «Низом»нинг 6.5. бандида айтиб ўтилмаган бошқа ҳисоб рақамларини очиш.

4.7. Ўз вазифа мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган моддий-техник ресурсларини, ташкилотлар, тижорат ва хусусий фирмалардан асосий восита ва аслахаларни сотиб олиш, зикр этилган субъектлар билан маҳсулот(иш, хизмат)ларни тайёрлашга шартномалар тузиш.

4.8. Тўлиқ хўжалик ҳисобини таъминлаш мақсадида, қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

V. КҚБнинг масъулияти

5.1. КҚБ унга мазкур «Низом» билан юкланган вазифаларни бажарилиши, шунингдек, шартномавий мажбуриятларни, кредит-солиқ интизомини, бажариладиган ишлар сифати талаблари ҳамда фаолиятни амалга оширишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда жавобгарликни ўзига олади.

5.2. КҚБ қонунчиликка мувофиқ, ўзига олган мажбуриятларни бажарилиши учун мулкый, молиявий, ва бошқа турдаги жавобгарликка эга.

VI. Хўжалик фаолиятининг асослари

6.1. КҚБнинг мулкани 5000000 (беш миллион) сўм миқдордаги «Низом фонди», асосий фондлар, айланма маблағлар ва қиймати балансда келтириладиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

6.2. КҚБга бириктирилган мулк давлат мулкидир.

6.3. КҚБнинг молия ресурсларини молиялаш манбалари:
 - қонунчилик билан белгиланган тартибда, объект қурилиши қийматининг яқуний смета ҳисоб-китобида кўзда тутилмаган ҳамда амалдаги нархларда буюртмачи ташкилотини сақлаш учун ўтказиладиган маблағлар;
 - қонунчилик билан белгиланган тартибда, ускуна смета қийматида кўзда тутилган, ускуна ва материаллар, буюртмачи етказиб берувчи молларни харид қилиш.

шунингдек, уларни сақлаш ва монтажга бериш билан шуғулланувчи ходимларни сақлаш учун тайёрлов-омбор харажатлари ҳисобига ажратиладиган маблағлар.

умумий смета қийматида ҳисобга олинган, кўзда тутилмаган харажатларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган харажатлар, улар тамом бўлган ҳолда - қурилиш қиймати якуний смета ҳисобининг бошқа боблари бўйича иктисод қилинган маблағлар қисми.

6.4. КҚБ тузилмаси, штати, ходимларига меҳнат ҳақи тўлашнинг шакл ва тизими Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

6.5. КҚБ ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида, белгиланган тартибда давлат ёки тижорат банкларида ҳисоб ва бошқа рақамларини очади.

6.6. КҚБ ишлар ижрочилари билан ўзаро муносабатларини бажариладиган ишлар, хизмат, материал, маҳсулотлар ва хозирлар турларига бозор конъюнктураси ва иктисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган меъёрлар асосида аниқланувчи шартнома(амалдаги) нархларида қўлади.

VII. КҚБнинг иш тартиби

7.1. КҚБ тузилмаси, ходимлари сони ишлар хусусияти, ҳажми ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси буйруғи билан белгиланади.

7.2. КҚБни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланувчи ва лавозимдан озод этилувчи бошлиқ бошқаради.

7.3. Бошлиқ КҚБга юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажарилиши учун шахсий жавобгарликка эга бўлиб, тузилма бўлинмалари раҳбарларининг КҚБ фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича раҳбарликлари учун масъулиятлари даражасини белгилайди.

7.4. КҚБ бошлиғи ўз ваколат доирасида:

- КҚБ ишини ташкил қилади;
- КҚБ ходимлари, шунингдек тузилма бўлинмалари мажбурий равишда бажаришлари лозим бўлган буйруқларни чиқаради;
- КҚБ номидан ҳаракат қилиб, барча муассаса, корхона ва ташкилотларнинг манфаатларини йўқолатмайди;
- КҚБ соҳа фаолияти бўйича таклифларни кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси киритади;
- КҚБ мулк ва маблағларига эгаллик қилади, шартномалар тузади, ишонч қўғозларини беради;
- счёта ва тўлов топшириқномаларига, ҳисобот ва хатларга имзо чекади;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси кўриб чиқиши учун КҚБ штат рўйхатини киритади;
- ишда ўзини кўрсатган КҚБ ходимларини давлат ва идоравий мукофотлаш билан тақдирлаш ҳақида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитасига таклиф киритади;
- КҚБ ходимларини хизмат сафарларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқари давлатларига, хизмат сафарларига қонунчилик билан белгиланган тартибда юборади;
- ўз ваколати доирасида КҚБ ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7.5. КҚБ да таркиби бошлиқ(раис), бош муҳандис ва бошлиқ ўринбосари, шунингдек КҚБнинг бошқа раҳбар ходимлари, алоҳида мутахассисларидан иборат техник кенгаш ташкил қилинади.

Техник кенгашнинг шахсий таркиби ва иш жадвали Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда КҚБ бошлиғи томонидан тасдиқланади.

VIII. Фаолият юзасидан ҳисоб, ҳисобот ва назорат

8.1. КҚБ давлат ташкилотлари учун белгиланган қоидалар бўйича бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини олиб боради ҳамда қонунчилик билан белгиланган тартибда статистика ва бошқа ҳисоботни амалга оширади.

8.2. КҚБнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича назорат, текширув ва тафтиш ишлари тегишли назорат қилувчи органлар томонидан қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

IX. Фаолиятни қайта тузиш ва тугатиш

9.1. КҚБ фаолиятини қайта тузилиши ёки тугатилиши қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. КҚБ фаолияти қайта тузилаётган ёки тугатилаётганида ишдан бўшагилаётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши кафолатланади.

9.3. КҚБ давлат реестридан чиқарилган дақиқадан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади.

Капитал қурилиши бошқармаси
бошлиғи вазифасини бажарувчи:



А.С. Ильин

Маслаҳатчи юрист: